

**ИРОНИЯНИ ЛИСОНИЙ КОМИЗМНИНГ БОШҚА УСЛУБИЙ
ВОСИТАЛАРИДАН ФАРҚЛИ ҲУСУСИЯТЛАРИ**

Фаргона давлат универститети 2-босқич магистри

Нуриддинова Гузел Шамсиддинова

guzelnuriddinova7870@gmail.com.

Гафурова Сурайё Улуғбековна

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори

sgafurova@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақола асосан кўчимлар ва уларнинг маънолари, сўз маъносига қараб кўчимларнинг ўзига хос троплари ҳақида ёзилган бўлиб, кўшимча сифатида турли таъсвирий воситаларнинг ифодаланиш усуллари кўриб чиқилган. Ирониянинг турлари мисралар орқали муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: экспрессивлик гипербола, мейозис, троп, эпитет, апастрофа, метафора, перифраза, синекдоха, аллегория, эпитет, метонимия, антифраза, сарказм ирония, литота, мейозис.

Кўчимлар дейилганда «адабий асарнинг бадиий қимматини, ифодалилигини, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини. белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилиши» назарда тутилади. Сўз маъносининг кўчиш жараёнлари турли кўринишларда воқе бўлади. бу жараёнлар ва улар минг натижалари сифатида юзага келадиган ҳодисалар, бу ҳодисаларнинг турлари, ўзига хос хусусиятлари каби узбек тилшунослигида анча батафсил ўрганилган. Кўчимлар деярли кўпчилик адабиётларда «троплар» атамаси остида ўрганилган. «Бадиий текстнинг лингвистик таҳдили» қўлланмасида кўчимлар куйидагича тасниф қилинган:

1. Сўз маъносининг микдорий кўчишига асосланган троплар:

а) гипербола;

б) мейозис.

2. Сўз маъносининг сифатий кўчишига асосланган троплар:

а) метафора;

б) метонимия;

в) ирония

Қолган тасвирий воситалар мазкур кўчимларнинг кўриниши сифатида берилади:

«символ, жонлантириш. эпитет, апастрофа - метафоранинг; перифраза, синекдоха, аллегория, эпитет - метонимиянинг; антифраза, сарказм -

ирониянинг; литота - мейозиснинг кўринишларидир». Бадиий матнни лингво-поэтик таҳлилга тортганда кўчимлардеб аталадиган тасвирий воситаларнинг деярли барчасининг асосида ўхшатиш, чоғиштиришдан иборат мантиқий тушунча ётганлигини унутмаслик керак.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ирония деб «тил бирлигини унинг ҳақиқий маъносига қарама-қарши маънода, кесатиқ, қочирим, пичинг билан ишлатишдан иборат кўчим»га айтилади. Ирония қадимдан адабиётимизда таъсирчан ифодалар яратишда қўлланилиб келинган. Европа адабиётшунослигида бу ходиса «ирония» атамаси остида умумлаштирилади. Т.Бобоев иронияга қуйидагича таъриф берган. Ирония (юнон. *eironeia* — билиб билмасликка олиш) — инкорнинг бир кўриниши бўлиб, тасвир объекти устидан кесатиш, қочирик йўли билан яширин кулиш, пичинг. "Сўзларни ва ибораларни кесатиқ ва пичинг билан ўз маъносига қарама-қарши маънода ишлатилишига ирония (таъриз) приёми дейилади".

Ирония бўлиб келган сўз ёхуд сўзлар бирикмасининг асил маъносига эмас, кўчма — яширин маъносига эътибор берилади. Масалан, "Синчалак"да Арслонбек Қаландаров Саида Алиевани "синчалакка", Саида Алиева эса Арслонбек Қаландаровни зимдан "хўроз"га ўхшатади: "Синчалак" дейилганда Саиданинг нозик-нихоллигига, нимжонлигига ишора қилинса, "хўроз" дейилганда Арслонбек Қаландаровнинг манманлигига, бақироқлигига ишора қилинмоқда ва ҳар иккаласида ҳам истехзо, пичинг, яширин кулги мавжуд.¹¹ Демак, "синчалак" ва "хўроз" — ирония — аллегория. Ирония икки хил (фош қилувчи ва шунчаки қочирик, енгил кулги) бўлади. Ҳажвиётда фош қилувчи сарказм ирония бўлса, юмористик асарларда (кувноқ кулги, пичинг, шунчаки енгил қочириқлар бўлади. Образларнинг ирониявий тарзда бўлиши, асосан, масалларга хос хусусиятдир. Шоир Ҳамид Олимжоннинг "Зайнаб ва Омон" поэмасидан бир парча олиб¹² кўрайлик:

*Канча яхши, барно бўлса ҳам,
Қанча олим, доно бўлса ҳам,
Собир учун мени қийнама,
Мени ўтга ташлама яна.
Менга ёшигиз Омонимни қўй
Менга ўша ёмонимни қўй.
У кам эмас ҳеч бир одамдан,
Мен ул билан узокман гамдан
У кам эмас ҳеч бир одамдан,
Мен ул билан узокман гамдан.*

¹¹Абдулла Қаххор — "Синчалак" -2012. ¹² Ҳамид Олимжон — "Зайнаб ва Омон" 1981

*У кам эмас ҳеч бир одамдан,
Мен ул билан узокман гамдан.*

Бу шеърӣй парчада "яхши", "барно", "олим", "доно" сифатлашлари орқали Собирга енгил қочириқ қилинаётган бўлса, "Омоним" — "ёмоним" қофиядош сўзлар орқали кучли — ўткир ирония усули ишлатилган. Ҳа, Анорхола назарида Омон — ёмон, "насткаш" бўлиб туюлса-да, Зайнаб учун — у дунёда ягона "у кам эмас ҳеч бир одамдан", ҳатто Анорхола таъбирлаган "барно", "олим" Собирдан ҳам кам эмас. Мана — ирония! Ирония, кесатик, қочириқ, дам яширин ва дам ошкора кулги поэманинг таъсир кучини оширган, Зайнаб ва Анорхола характерларининг ўткир қирраларини очишга қўл келган.

"Семург ёки Паризод ва Бунёд" поэмасида тасвирланишича, улкан чинорни қўпорган, ёвуз девни ўлдирган Бунёдга хон кизи — такаббур Паризод шундай жавоб беради:

*Чўпонни севолмадим,
Ҳеч кўнгил қўёлмадим.
Қанча ботир бўлсанг ҳам,
Зўр баҳодир бўлсанг ҳам
Тўшагинг хас деб билдим
Аслингни наст деб билдим
Севолмадим сени мен,
Чунки мен ҳам хон кизиман.*

Бу парчадаги истехзо, кесатик — ирония Паризоднинг бутун борлигини ёрқин ифода эта олган.

Энди биз айрим адабиётлардан олинган инглиз ёзувчилари томонидан қўлланилган ирониялардан мисоллар келтирамиз:

1. *Contentedly Sam Clark drove off, in the heavy traffic of three Fords and the Minniemashie House Free Bus. (S. L.)*

2. *Stoney smiled the sweet smile of an alligator. (St.)*

3. *Henry could get gloriously tipsy on tea and conversation. (A. H.)*

4. *She had so painfully reared three sons to be Christian gentlemen that one of them had become an Omaha bartender, one a professor of Greek, and one, Cyrus N. Bogart, a boy of fourteen who was still at home, the most brazen member of the toughest gang in Boytown. (S. L.)*

5. *Even at this affair, which brought out the young smart set, the hunting squire set, the respectable intellectual set, they sat up with gaiety as with a corpse. (S. L.)*

6. *"If there's a war, what are you going to be in?" Liphook asked. "The Government, I hope," Tom said, "Touring the lines in an armored car, my great*

belly shaking like a jelly. Hey did you hear that? That's poetry" (J. Br.)

7. *He could walk and run, was full of exact knowledge about God, and entertained no doubt concerning the special partiality of a minor deity called Jesus towards himself. (A. B.)*

8. . . . *Try this one, "The Eye of Osiris." Great stuff. All about a mummy. Or Kennedy's "Corpse on the Mat" that's nice and light and cheerful, like its title. (D. S.)*

Энди эса ирониянинг турларига тўхталиб ўтамиз. Антифраз — ирония — ирониянинг бир тури бўлиб, бир шахс ёки предметга хос бўлган у ёки бу хусусиятни кулги интонацияси билан инкор қилишдир. Агар матндаги сўз ёхуд сўз бирикмасида асил маъно эмас, аксинча тескари маъно назарда тутилса антифраз пайдо бўлади. Масалан, "Жангчи Турсун" балладасида Ҳамид Олимжон куйидаги антифразни қўллаган: *Эркаланиб ётади У Ватан тунроғида. Ёш бола ётганидай Онанинг кучоғида. "Эркаланиб ётади", "Ёш бола ётганидай" "онанинг кучоғида" иборалари антифраздир. Негаки, "эркаланиб ётади", "ёш бола ётганидай" сўз бирикмалари аслида ижобий маъноларни ифодалайди, бу ўринда эса салбий маънода, яъни Турсуннинг халок бўлганлигини ифодаламоқда.*

Сарказм (юнон. *sarkasmos* — кийнаш, озор бериш) — аччик заҳарханда, истехзоли таъна, пичинг. Аччик, кулги ва таъна — сарказмнинг асосини ташкил қилади. Лирик, эпик ва драматик асарларда, хусусан, ҳажвиётда кенг қўлланиладиган тасвир усули. Сарказм сўзнинг асл маъносига зид бўлган кўчма маъносидан келиб чикди. Сарказмда интонация ва муаллифнинг тасвир объектига муносабати муҳим роль ўйнайди. Одатда, сарказмда шахс, нарса ёхуд воқеа-ҳодисанинг салбий томонлари фош қилинади.

Лексик стилистик воситалар автор нутқини, яъни асарни ва ундаги воқеалар ривожини қизиқарли, китобхон учун тушунарли бўлишида муҳим рол ўйнайди.

тилларидаги мисолларни кўришимиз мумкин. Ифода воситалари ва стилистик усулларсиз яратилаётган асар оддий бир матн бўлиб қолишлигини тушуниб етдик. Лекин ифода воситалари ва стилистик усулларни ўз ўрнида ишлатмаса ҳам бадий асар ўз мазмунини йўқотади. Бунда албатта ёзувчининг ёзиш усули ва стилистик бўёқларни ўз ўрнида ишлатаолишлилиги муҳим рол ўйнайди. Ишимизнга шу ерда хулоса ясар эканмиз, ўйлаймизки биз тўплаган манбаълар стилистика ва матн тахлили каби фанлар учун муҳимдир:

"It must be delightful to find oneself in a foreign country without a penny in one's pocket."

Унинг антифраз (масҳара, у ёки бу ижобий хусусиятни кулги, калака йўли билан инкор қилиш) ҳамда сарказм (заҳарханда таъна, истех-золи пичинг, шама) деб аталувчи кўринишлари фарқланади. Моҳир сўз устаси, халқимизнинг ардоқди адиби Абдулла Қаҳҳор асарларида ирониянинг нодир намуналарини

учратиш мумкин. У «Майиз емаган хотин», «Адабиёт муаллими», «Нутқ» каби ҳажвий ҳикоя ва фелъетонларида ирониянинг турли кўринишларидан фойдаланган ҳолда бе-такрор образлар яратган. Масалан, адибнинг «Майиз емаган хотин» ҳикоясидаги ироник бўёқдарда тасвирланган Мулла Норқўзи образи ана шундай образлардан ҳисобланади: «*Аёл киши эркакка қўл бериб сўрашдимми, бас!.. Рўза тутган киши оғзини чайқаса, сув томоғига кетмаса хдмки, рўзаси очилади - шу оғиз чайқашдан баҳра олади-да! Абдулҳакимнинг қизига уста Мавлоннинг ўғли бир ҳовуч майиз берганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳаё борми шуларда? Шарият йўли - хўп йўл. Ўн бир яшарида паранжи ётинмаган киздан қўлни ювиб қўлтиққа ура беринг. Паранжи ҳаёнинг пардасида!»*

Ифода воситалари ва стилистик усулларни ўз ўрнида ишлатилмаса ҳам бадиий асар ўз мазмунини йўқотади. Бунда албатта ёзувчининг ёзиш усули, унинг ифода воситалари ва стилистик бўёқларни ўз ўрнида ишлата олишлилиги муҳим роль ўйнайди.

Ирония кўчма маъно ҳосил қилиш йўлларида бири бўлиб, у зидлик мазмунини ифодаловчи воситалар сирасига киради. Маълумки, ўзбек ва инглиз тиллари зидлик маъносини ифода этувчи воситаларга ниҳоятда бой бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

1. Антонимик воситалар.
2. Инкор ифодалаш воситалари.

Антонимлар ва инкор ифодалаш воситалари нутқда ҳеч қандай экспрессив-стилистик бўёқсиз қўлланаверади. Бу воситалар контекстдан ташқарида ҳам зидлик маъносини англатиб тураверади. Шунинг учун ҳам улар тил ҳодисалари ҳисобланади. Ирония эса, тил ҳодисаси эмас, балки нутқий жараёнда реаллашувчи услубий восита ҳисобланади.

Ирония ўз хусусияти билан зидлик ифодаловчи бошқа воситалардан кескин фарқланиб туради, ўзбек ва инглиз тилларида зидликни ифодаловчи ўхшаш ҳодисалар кўп:

1. Ирония ва энантиосемия ҳодисалари ҳам вазифаси нутқга назаридан бир-бирига ўхшаш, лекин қайсидир муҳим белгиси билан бир-биридан ажралиб турадиган ҳодисалардир. Бизнинг вазифамиз ана шундай ўхшаш ҳодисаларни фарқлай олишдан ҳам иборатдир. Бунинг учун ўхшаш ҳодисаларни тўғри ажрата билиш лозим бўлади.

Ирония прагматик маънони юзага чиқарувчи ҳодисалардан биридир. Ирония грекча «*ironia*» сўзидан олинган бўлиб, «билиб билмаганга олиш» ва «нозик масхараомуз кулги» деган маънони англатади. Ирония кенг маънода инкор этишнинг ўзига хос махсус усулларидадир. Инсон ўз фикрини ўта таъсирчанлик билан тингловчига етказишда ирониядан фойдаланади. Иронияда ҳамма вақт айтилаётган фикрнинг акс маъноси назарда тутилиб, шу йўл билан нутқнинг экспрессивлиги оширилади ва нимадир инкор қилинади. Масалан:

... Зайнабга қолса, эҳтимолки, Кумуш ўзидан ҳам ёш чиқар эди. — Мен қаёқдан билай ...

- Йигирмага кирдим,
 — Мендан бир ёш катта экансиз.
 — «Сиздан, албатта, каттаман!» — деда Кумуш.

Юқоридаги нутқ парчасидан кўринадики, қахрамонимиз «сиздан, албатта, каттаман» дейиши билан, эрининг бош хотини эканлигини таъкидламоқчи бўлади ва кундошига нисбатан бироз менсимаслик назари билан қараш маъносини ифода этади.

Энантисемиа грекча «enantio» — қарама-қарши, «сема» — белги маъносини англатиб, тилшуносликда бир сўзнинг семантик структурасида зид маънонинг юзага келишини билдиради. Масалан, «кўр» сўзи дастлаб феъл туркумига хос бўлган «кўрмоқ» феълининг ўзаги ҳисобланиб, ҳозирги ўзбек тилида «кўзи ожиз» (кўрмас) маъносини ифодалаш учун хизмат килади. Ҳозирги кунда бу сўзнинг дастлабки маъноси инкор этилиб, бутунлай янги маъно — тескари маънода қўлланади. Сўзларнинг бундай терс маъно ифода этиши эса энантисемиа ҳодисаси деб юритилади. Қуйидаги мисолни олиб курайлик: *Лолахон пахтани «ёмон» териб қуяди-да.* Оғзаки нутққа хос бўлган бу гапда қўлланган «ёмон» сўзининг контекстдан ташқаридаги маъноси салбий бўлиб, бу ерда ижобий маънодаги яхши, зўр сўзлари ўрнида қўлланган. Мисолдан кўриниб турибдики, энантисемиа нутқий ҳодиса ҳам бўлиши мумкин экан. Шу жиҳатдан олганда, у иронияга ўхшаб кетади, экспрессив-стилистик вазифа бажаради, яъни нутқий ҳодиса сифатида шаклланган бўлади.

Адабиётлар:

1. Белунова Н.И. Интегрирующая функция лексико-синтаксических повторов в текстах публицистического стиля// Текстовые реализации и текстообразующие функции синтаксических единиц: межвузовск. сб. науч. тр. – Л.: Изд-во ЛГПИ, 1988. – с. 70–85.
2. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол.фанлари ном- зоди дисс.автореф. -Т., 1997. -51 б.
3. Biber D., Conrad S. G.Leech. Student grammar of spoken and written English.Longman, 2003. – 487 p
4. Абдулла Қаҳҳор. Сароб. –Т: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 336 б.
5. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. – Т.: «Шарқ» НМАК, 2014. – 209 б.
6. <http://philologos.narod.ru/ling/mathesius.htm> <https://infourok.ru/tema-predlozhenie-osnovnaya-edinica-rechevogo-obscheniya-3557673.html>